

ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВ ДАВРИДА ХАЛҚАРО ИНСОН ХУҚУҚЛАРИ НОРМАЛАРИНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ.

Юлдашев Сардор Фаткулла ўғли

Мустақил изланувчи

Аннотация: Мақолада дастлабки тергов босқичида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш аҳамияти, халқаро инсон ҳуқуқлари нормалари ва уларнинг миллий қонунчиликка имплементация қилиниши, Жиноят процессининг қонунийлиги ва адолатлилигини таъминлашда халқаро стандартларнинг роли ва амалиётда қўлланилиши таҳлил қилинган.

Калитли сўзлар: инсон ҳуқуқлари, дастлабки тергов, халқаро стандартлар, қонунийлик, адолат, ҳимоячи ҳуқуқи, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт

Аннотация: В статье проанализирована значимость обеспечения прав и свобод человека на этапе предварительного расследования, международные нормы прав человека и их имплементация в национальное законодательство, а также роль международных стандартов и их применение на практике для обеспечения законности и справедливости уголовного процесса.

Ключевые слова: права человека, предварительное расследование, международные стандарты, законность, справедливость, право на защитника, Всеобщая декларация прав человека, Международный пакт о гражданских и политических правах

Annotation: The article analyzes the importance of ensuring human rights and freedoms during the preliminary investigation stage, international human rights norms and their implementation into national legislation, as well as the role of international standards and their practical application in ensuring the legality and fairness of the criminal process.

Keywords: human rights, preliminary investigation, international standards, legality, justice, right to defense counsel, Universal Declaration of Human Rights, International Covenant on Civil and Political Rights

Инсон ҳуқуқлари инсоният тамаддунининг муҳим ютуғи сифатида миллий ва халқаро даражадаги ҳуқуқий тизимлар асосини ташкил қилади. Ҳуқуқ ва эркинликлар фақатгина мустаҳкам ҳуқуқий асослар орқали таъминланиб қолмай, улар жамиятда адолат ва тенглик принципларини амалга оширишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга.[1]

Ҳозирги глобаллашув шароитида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласи нафақат миллий, балки халқаро ҳуқуқнинг ҳам устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Айниқса, жиноят ишларини юритиш жараёнида, хусусан дастлабки тергов босқичида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш алоҳида долзарб аҳамият касб этади. Жиноят иши доирасида дастлабки тергов босқичи инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига энг катта таъсир кўрсатадиган давр бўлиб, айнан мазкур босқичда шахсга нисбатан эркинликни чеклаш, процессуал мажбурлов чораларини қўллаш ва тергов ҳаракатларини амалга ошириш каби процессуал ҳаракатлар амалга оширилиши мумкин. Шу сабабли, дастлабки тергов даврида халқаро инсон ҳуқуқлари нормаларини таъминлаш ва уларни амалда қўллаш жиноят процессининг қонуний ва адолатли бўлишини таъминлайдиган муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Халқаро инсон ҳуқуқлари соҳасида қабул қилинган асосий ҳужжатларда шахснинг дахлсизлиги, эркинлиги, қийноқ ва ғайриинсоний муомаладан ҳимоя қилиниши, адолатли тергов ва судлов каби муҳим қоидалар ўрнатилган. Бу қоидалар фақат суд муҳокамаси босқичи билан чегараланмай, балки терговга қадар текширув ҳамда дастлабки тергов жараёнида ҳам тўлиқ таъминланиши зарур. Халқаро инсон ҳуқуқлари нормалари тергов органларининг фаолиятини инсон ҳуқуқларига ҳурмат асосида ташкил қилишни талаб қилади, бу эса, терговнинг ҳар бир босқичида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни таъминлашга қаратилган муҳим талабдир.

Жаҳон ҳамжамияти томонидан қабул қилинган халқаро ҳуқуқий меъёрлар ва стандартларни миллий қонунчилик тизимига интеграция қилиш давлатнинг ҳуқуқий ривожланиши ва халқаро мажбуриятларини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Тергов ва суд жараёнларида халқаро меъёрларга мувофиқликни таъминлаш, шунингдек, хато ва камчиликларни самарали бартараф этиш мамлакатнинг халқаро обрўсини оширади ва бошқа давлатлар билан ҳамкорликни кучайтиради.[1]

Халқаро инсон ҳуқуқларининг вужудга келишида БМТ бош Ассамблеяси томонидан 1948 йилнинг 10 декабрь куни қабул қилинган “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси” алоҳида аҳамият касб этади.[2] Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси Ўзбекистон Республикаси мустақилликни қўлга киритганидан сўнг қўшилган биринчи халқаро-ҳуқуқий ҳужжат бўлди. Ҳозирги кунда мазкур Декларация нормалари деярли барча мамлакатлар қонунчилигида ўз аксини топиб, халқаро инсон ҳуқуқларини кафолатловчи омил бўлиб хизмат қилмоқда. Мазкур Декларация муқаддима ва 30 та моддадан иборат бўлиб, унда муайян мамлакатлар фуқароларининг эмас, балки барча давлатларда яшовчи инсонларнинг шаъни, кадр-қиммати, ҳуқуқ ва эркинликлари аниқ белгилаб берилган. Шунингдек,

мазкур ҳуқуқлар инсонларнинг қайси давлатда яшашидан қатъи назар, халқаро инсон ҳуқуқлари нормалари асосида ҳимоя қилиниши лозимлиги қайд этилган.

Дастлабки тергов даврида инсон ҳуқуқларининг бузилиши, айниқса, шахсни асоссиз ушлаб туриш, қийноққа солиш, босим ўтказиш, ҳимоя ҳуқуқини чеклаш каби ҳолатларда намоён бўлиши мумкин. Халқаро инсон ҳуқуқлари нормалари эса бундай ҳолатларни қатъий тақиқлаб, давлат органлари фаолияти устидан ҳуқуқий назоратни таъминлашга қаратилган. Шу боис, халқаро стандартлар дастлабки тергов органлари фаолияти учун муҳим йўналтирувчи мезон вазифасини ўтайди.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг нормалари нафақат Ўзбекистон Республикаси Конституциясида, балки Ўзбекистон Республикасининг Қонунларида ҳам ўз ифодасини топган. Хусусан, Декларациянинг 5-моддасида “Ҳеч ким қийноққа ёки шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ва жазога дучор этилмаслиги керак”, деб қатъий белгиланган.[2] Ушбу қоида жиноятларни тергов қилиш жараёнида, айниқса дастлабки тергов босқичида устувор тамойил сифатида эътироф этилиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 95¹-моддаси биринчи қисми биринчи бандида “жиноят процесси иштирокчиларига ёки уларнинг яқин қариндошларига нисбатан қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаган ҳолда” деган нормалар киритилган.[3] Мазкур тартибга кўра, юқорида қайд этилган ҳолатларда олинган далиллар мақбул эмас деб топилиб, шахсни жиноят содир этганликда айбдор деб топиш учун асос бўла олмаслиги аниқ белгилаб қўйилган. Шу тариқа, Декларация мазмуни миллий қонунчиликда ўз ифодасини топган. Бундан ташқари, Декларациядаги бошқа муҳим нормалар ҳам миллий қонунчиликка жорий этилган бўлиб, хусусан, 11-модданинг биринчи қисмида “Жиноят содир этганликда айбланган ҳар бир инсон, ўзини ҳимоя қилиш учун барча имкониятлар таъминланган ҳолда, унинг айби очик суд муҳокамаси орқали қонуний тартибда аниқланмагунга қадар айбсиз деб ҳисобланиш ҳуқуқига эга” эканлиги белгиланган.[2] Мазкур қоида Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 23-моддасида ўз ифодасини топган бўлиб, унга кўра гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи унинг жиноят содир этганликда айбдорлиги қонунда назарда тутилган тартибда исботланмагунга ва қонуний кучга кирган суд ҳукми билан тасдиқланмагунга қадар айбсиз ҳисобланади. Айбдорликка оид барча шубҳалар, агар уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ёки маҳкумнинг фойдасига ҳал қилиниши лозим. Шунингдек, қонунни қўллаш жараёнида юзага келадиган шубҳалар ҳам ушбу шахсларнинг фойдасига ҳал қилиниши шарт. Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки

судланувчи ўз айбсизлигини исботлаш мажбуриятига эга эмас ҳамда исталган вақтда сукут сақлаш ҳуқуқидан фойдаланиши мумкин. Агар шахснинг ўз айбини тан олиши унга қарши ягона далил бўлса, у айбдор деб топилиши ёки жазога тортилиши мумкин эмас.[3] Мазкур нормаларга мувофиқ, дастлабки тергов органлари томонидан инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қатъий риоя қилиниши, шунингдек, шахс жиноят содир этганликда айбдор деб топилиб, ушбу ҳолат одил судлов томонидан қонуний тартибда тасдиқланмагунга қадар унга нисбатан айбдорлик муносабати билдирилиши ҳамда ғайриинсоний ёки камситувчи ҳаракатлар содир этилиши тақиқланади.

Бироқ халқаро ва миллий қонунчиликни таққослаш шуни кўрсатадики, халқаро стандартлар кўпроқ умумий принцип ва талабларни белгиласа, миллий қонунчилик ушбу принципларни амалий механизмлар орқали рўёбга чиқаришга қаратилган. Масалан, халқаро ҳужжатларда қийноққа солиш тақиқланса, миллий қонунчиликда қийноқ йўли билан олинган далилларнинг мақбул эмас деб топилиши аниқ тартибда назарда тутилган. Бу эса халқаро нормаларнинг миллий ҳуқуқда аниқ процессуал кафолатлар билан таъминланганлигидан далолат беради. Декларацияси нормалари нафақат жиноят қонунчилиги балки бошқа соҳадаги қонунчиликда ҳам кенг миқёсда қўлланилиб, миллий қонунчиликда имплементация қилинмоқда.

Дастлабки тергов босқичида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини кафолотловчи яна бир муҳим ҳуқуқий манбаа “Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт” ҳисобланади. Мазкур халқаро пакт инсоннинг асосий фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқларини мустаҳкамловчи универсал халқаро-ҳуқуқий ҳужжат бўлиб, у 1966 йил 16 декабрда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган.[4] Мазкур пактга қўшилган давлатлар унда белгиланган нормаларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётида, жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти ва дастлабки тергов жараёнида таъминлаш мажбуриятини олади. Шу маънода, пакт қоидалари қонун ижодкорлиги билан бир қаторда, тергов амалиёти учун ҳам мажбурий халқаро стандартлар сифатида намоён бўлади.

Дастлабки тергов босқичи ҳам “Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт”да белгиланган нормаларига асосланган ҳолда амалга оширилади. Пактда кўрсатилган инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг ҳимояси Жиноят процессуал кодексида ҳам қатъий белгилаб қўйилган. Хусусан, мазкур пактнинг 14-моддасига кўра, айбланувчи ўзини айбсиз деб исботлашга мажбур эмаслиги кафолатланган. Дастлабки тергов босқичида ҳам айбланувчи ўз айбсизлигини исботлашга мажбур эмаслиги, ҳар қандай айбдорликка оид шубҳа ва гумонлар

айбланувчи ҳамда гумонланувчи фойдасига ҳал қилиниши лозимлиги қатъий белгиланган ва бу Жиноят-процессуал кодексининг 23-моддаси билан мустаҳкамланган. Шунингдек, мазкур пактнинг 14-моддасида “ўз ҳимоясини тайёрлаш ва ўзи танлаган ҳимоячи билан мулоқотда бўлиш учун етарлича вақт ва имкониятга эга бўлиш” ҳуқуқи ҳам белгиланган. Дастлабки тергов давомида ҳам процеснинг ҳар бир иштирокчиси жиноят ишида ҳимоячиси билан бирга қатнашиш ҳуқуқига эга бўлиб, агар гумон қилинувчи ёки айбланувчи ҳимоячи хизматидан фойдаланишни истаса, уларга давлат томонидан ҳимоячи тайинланиши, ҳимоячига тўланадиган ҳақ давлат томонидан қоплаб берилиши ва шахс жиноят ишида гумон қилинувчи сифатида жалб қилинган вақтда ҳимоячи билан учрашиш имконияти берилиши қатъий белгилаб қўйилган. Юқоридаги ҳолатлардан кўриниб турибдики, халқаро инсон ҳуқуқлари нормаларининг деярли барчаси бугунги кунда миллий қонунчилигимизда ўз аксини топган. Энди асосий вазифа – мазкур ҳуқуқ ва кафолатларни ҳаётга тўғри тадбиқ этишдан иборат.

Инсон ҳуқуқлари миллий ва халқаро ҳуқуқий тизимлар асосини ташкил этди, жамиятда адолат ва тенгликнинг амалга оширилишида ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Дастлабки тергов босқичида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш нафақат шахснинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилади, балки терговнинг қонунийлиги ва адолатлилигини таъминлашга ҳам хизмат қилади. Халқаро стандартларнинг қонуний ва амалиётда тўғри қўлланилиши, тергов органларининг фаолиятини инсон ҳуқуқларига ҳурмат асосида ташкил этишга ёрдам беради. Бу эса, нафақат мамлакатнинг ҳуқуқий ривожланиши ва халқаро мажбуриятларни бажаришини таъминлайди, балки тергов тизимида адолатни мустаҳкамлаш ва жиноят ишлари бўйича натижаларнинг қонуний ва шаффоф бўлишини кафолатлайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ёш олимлар илмий-амалий конференцияси. Ў.А.Мамадалиев “Дастлабки терговда йўл қўйилган хато ва камчиликларни судда бартараф қилиш масалалари” <https://doi.org/10.5281/zenodo.10910915>
2. 10.12.1948 йилдаги Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси. <https://constitution.uz/uz/pages/humanrights>.
3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси. <https://lex.uz/acts/111460>.
4. Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро Пакт. <https://lex.uz/docs/2640479>